

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВ  
ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ДАМИНОВ ОЙБЕК ОЛИМОВИЧ**

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА  
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси таълим йўналиши мисолида)

**13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Даминов Ойбек Олимович**

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида касбий  
компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш  
(Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси таълим  
йўналиши мисолида) ..... 3

**Даминов Ойбек Олимович**

Совершенствование методики формирования профессиональных  
компетенций в процессе подготовки преподавателей  
профессионального образования (на примере направления Наземные  
транспортные системы и их эксплуатация) ..... 23

**Daminov Oybek Olimovich**

Improvement of the methodology for the formation of professional  
competencies in the process of training teachers of vocational education (on  
the example of the direction Land transport systems and their operation) ... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВ  
ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ДАМИНОВ ОЙБЕК ОЛИМОВИЧ**

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА  
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси таълим йўналиши мисолида)

**13.00.05 - Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped1030 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iigro.uz](http://www.iigro.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжабаев Анарбай Рустамович**  
педагогика фанлари доктори, профессор.

**Расмий оponentлар:**

**Шодиев Ризамат Давронович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Мирсолieва Муhabбат Тўхтасиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "9" 01 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 71-246-92-17; факс: 71-246-90-37; e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz))

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 71-246-92-17; факс: 71-246-90-37).

Диссертация автореферати 2020 йил "29" 12 кун тарқатилди.  
(2020 йил "29" 12 даги 35 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.Э.Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

**К.Т.Олимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан Европа Кенгашининг таълим мазмунини модернизациялаш стратегияси ва ривожлантириш концепцияси асосида компетенциявий ёндашув ётади. “Европа учун асосий компетенциялар” (Key Competences for Europe) мавзусидаги симпозиум материаллари ва глобал таълим муҳитини шакллантиришга илмий ёндашувлар контекстидаги тенденциялар фундаментал касбий-педагогик мегатузилмаларни яратиш ва педагогик инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш орқали компетентли мутахассислар тайёрлашнинг долзарблигини кўрсатади. Хусусан, Болонья жараёни доирасида ўқитишнинг фаол ва интерфаол шакллари вариативлигини таъминлаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенциялар мажмуини шакллантириш ва методикасини такомиллаштириш муаммосини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида бўлажак мутахассисларда касбий компетенцияларни шакллантиришга имкон берувчи дидактик воситаларни ўқитишнинг фазали (ўқув материали мазмунини идрок қилиш; эслаб қолиш; мазмунини англаш ва уни қайта тиклаш; ўзлаштирилган билимларни баҳолаш ва эътироф этиш) модели орқали жорий этиш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган лойиҳалаш-конструкторлик ва техник-технологик ишларга жалб қилиш, уларда мантиқий фикрлаш, таҳлил этиш, креативлик қобилиятларини ривожлантиришда таълимнинг анъанавий ва замонавий усуллари, инновацион технологиялардан комплекс фойдаланиш, айниқса, ҳозирги техник инқилоб (The Fourth Industrial Revolution) шароитида предмет тайёргарлик, визуал моделлаштириш (Visual Simulation) заруратга айланмоқда. Профессional таълимнинг янги парадигмалари бўлажак мутахассисларда нафақат касбий компетенцияларни шакллантиришга компетентли ёндашувни, балки айти жараёни таъминлашга имкон берувчи методологик ва услубий асосларни ҳам такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда касбий таълим тизимидаги туб ислоҳотлар натижасида олий таълим муассасаларида давлат буюртмалари асосида компетентли мутахассислар, хусусан, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари яратилиб, ахборот-методик имкониятлари кенгайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Бу эса республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг йўл харитасини белгилаб берди.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. – Б.39.

Мазкур вазифани амалга оширишда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришнинг амалдаги методикаси ва ўқув-методик таъминотини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сонли “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касб таълимининг ривожланиш жараёни ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёрлашнинг турли муаммолари бўйича республикамиз олимларидан Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Ш.Э.Қурбонов, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Ходжабаев, Қ.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов, Д.Д.Шарипова, Ж.А.Ҳамидов, Д.О.Химматалиев, М.Б.Уразова, О.Х.Туракулов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари С.Ю.Ашурова, А.А.Алимов, С.А.Алиқулов, Г.М.Анарқулова, Н.Н.Каримова, Б.С.Нуриддинов, Д.Р.Рахматуллаева, Д.М.Файзуллаеваларнинг ишларида батафсил ёритилган. “Компетенция” ва “компетентлик”, “касбий компетенция” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, касбий компетенцияларни шакллантириш, ривожлантириш ва натижасини ташхислаш масалалари Н.А.Муслимов, М.Б.Уразова, О.А.Қўйсинаев, А.А.Каримов, Н.Н.Каримова, Н.Ё.Нажмиддинова, Д.А.Мустафоева, Ж.Р.Турматов,

К.Т.Уматалиева, Р.Ҳ.Файзуллаев, Ш.С.Шарипова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатлари олимлари В.И.Байденко, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, А.И.Кулешова, А.К.Маркова, Н.В.Скачкова, В.А.Сластенин, А.В.Хуторскойларнинг ишлари бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда педагогик технологияларни қўллаш, касбий-педагогик тайёрлаш самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

Хорижий мамлакатларнинг олимлари В.Blum, R.Boyasis, S.Brindt, T.Hoffmann, R.Kuinn, G.Kulanthaivel, G.Lehmann, R.Marr, A.Maslou, H.Miyakawa, R.Mohan, Dj.Raven, S.Uiddet, S.Xolliford тадқиқотларида педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш, компетентли ёндашув, замонавий ўқитиш ва педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган ва таҳлил этилган.

Тадқиқот иши муаммосига оид илмий изланишлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, лекин олий таълим муассасаларининг 5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) таълим йўналишида таҳсил олаётган бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш ва унинг методикасини такомиллаштириш масалаларига жуда кам эътибор қаратилган. Бу эса мазкур таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш, уларда касбий компетенцияларни шакллантириш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ўқитиш воситалари, шакллари, методлари ва педагогик шарт-шароитлар мажмуасини замонавий ёндашувлар асосида ўрганиш ва такомиллаштириш имкониятларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-16 “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича малакавий тайёргарлик даражасини квалитетрик баҳолаш” лойиҳаси (2016-2017) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг №АИФ-2/18 “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** компетентли ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида касбий компетенциялар муаммоси ва уларни шакллантиришнинг дидактик имкониятларини ўрганиш;

замонавий касбий таълим жараёнида компетенциялар ва компетентликнинг ўрни ва аҳамиятини, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенциялари мажмуини асослаш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришнинг такомиллаштирилган моделини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

касбий компетенцияларни шакллантиришга имкон берувчи педагогик технологияни асослаш, ўқув курслари, педагогик ва малакавий амалиётлар дастурлари мазмунини, лойиҳалаш фаолиятининг ахборот-дидактик таъминотини аниқлаш;

ишлаб чиқилган касбий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик технологиясини жорий этиш бўйича ўқув-методик таъминотни таклиф этиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш, натижасини танланган мезонлар ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** техника олий таълим муассасаларида 5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) таълим йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг ўқув жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** ички ёнув двигателлари назарияси фанини ўқитиш методикасини компетентли ёндашув асосида такомиллаштириш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш мазмуни, шакли, методи ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида касб таълимининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаштиришга имкон берувчи илмий манбаларни таҳлил этиш, давлат таълим стандарти (ДТС), малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни танқидий ва қиёсий ўрганиш, суҳбат, кузатиш, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантиришда ўқув режасидаги умумкасбий (“Касбий педагогика” ва “Ички ёнув двигателлари назарияси”) фанлар бўйича намунавий ўқув дастурлари буюртмачилар талаблари асосида модуллилик тамойилига кўра такомиллаштирилган;

касбий компетенцияларни шакллантиришнинг дидактик имкониятлари ва ўқув-методик таъминоти (“Ички ёнув двигателлари назарияси” номли ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуа, “ИЁД индикатор ва ёйилган кучлар диаграммасини қуриш” электрон мультимедиа воситаси, “Касбий педагогика” номли дарслик ва электрон ўқув қўлланма) интерфаол метод (Morphological



analysis, Modeling method, Case study, Business game, Project method)ларни интегратив қўллаш асосида такомиллаштирилган;

“Ички ёнув двигателлари назарияси” ўқув фанидан лаборатория ишларини бажариш жараёни 3D Max ва Macromedia Flash дастурлари асосида яратилган виртуал лаборатория воситасида, шунингдек “моделлаштириш” ва “лойихалаш” методларидан фойдаланиб такомиллаштирилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенциялар шаклланганлиги даражаларини объектив баҳолашнинг когнитив, қисман изланувчан, фаолиятли-амалий мезонлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) таълим йўналиши ўқув режасидаги “Касбий педагогика”, “Таълим технологиялари” ва “Ички ёнув двигателлари назарияси” ўқув фанлари бўйича ҳаммуаллифликда модуллилик тамойилига асосланган намунавий дастурлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган “Ўқитишнинг фаол ва интерфаол методлари назарияси ва амалиёти” ва “Касбий ўқитишда талабанинг мустақил иши” номли монографиялар, яккамуаллифликда “Касбий педагогика” номли дарслик, “Ички ёнув двигателлари назарияси” номли ўқув қўлланма ва “Касбий педагогика” номли электрон ўқув қўлланма, “ИЁД индикатор ва ёйилган кучлар диаграммасини қуриш” электрон мультимедиа воситаси ҳамда “Ички ёнув двигателлари назарияси” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган 3D Max ва Macromedia Flash дастурлари асосида яратилган “Ички ёнув двигателлари назарияси” умумкасбий фани бўйича мультимедиа электрон қўлланма ва виртуал лабораториядан амалда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқ қилинаётган ҳодисаларга нисбатан турлича ёндашувларнинг қўлланганлиги, натижаларни таҳлил қилишга янги парадигмалар нуқтаи назаридан ёндашилгани; тажриба-синов иштирокчилари танланмасининг репрезентативлиги; тадқиқотнинг назарий-экспериментал босқичидаги фаразларнинг статистик жиҳатдан тасдиқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган методика, модел, дарслик ва ўқув қўлланма, виртуал лаборатория, яратилган электрон таълим ресурслари, яъни ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан техника йўналиши олий таълим муассасалари касб таълими йўналишларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини компетентлиёндашув асосида

ташқил этиш, ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш, касб таълимини ривожлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, касб таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, касб таълимида ноанъанавий усулда машғулотларни ташқил этишда, талабаларнинг олий ўқув юртини битирганидан кейинги фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида касбий компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида компетентли ёндашув асосида касбий компетенцияларни шакллантиришнинг аҳамияти ва ўрнини аниқлаш, умумкасбий фанлар модул бирликларидаги техник билимларни компьютер технологиялари асосида интеграциялаш, ихчамлаштириш, тузилмалаштириш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий компетенцияларининг компонентлари (техник, технологик, ахборот) мазмунини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари ноанъанавий (Morphological analysis, Modeling method, Project method) методлар асосида такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган 5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари)) таълим йўналишининг малака талаблари, “Касбий педагогика”, “Таълим технологиялари”, “Ички ёнув двигателлари назарияси” умумкасбий фанларининг намунавий дастурлари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1121-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялардан касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришнинг ахборот-методик таъминоти ўқитишнинг самарали дидактик технологиялари (Case study, Business game, graphs "Fishbone", SWOT analysis) ва воситалари (турли даражали тестлар, муаммоли масалалар, виртуал лаборатория ва лаборатория топшириқлари тизими), техник топшириқлар (график, макетлаштириш, технологик, конструкторлик)ни бажаришнинг вариатив усуллари (назарий, амалий, ижодий, вариантларни танлаш, морфологик таҳлил, моделлаштириш, ассисмент) орқали такомиллаштириш методикаси ҳамда ишлаб чиқилган “Касбий педагогика” номли дарслик, “Ички ёнув двигателлари назарияси” номли ўқув қўлланма ва “Касбий педагогика” номли электрон ўқув қўлланма, “Ички ёнув двигателлари назарияси” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа асосида олинган натижалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг №АИФ-2/18 “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида фойдаланилган ва амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1121-сон маълумотномаси). Мазкур дидактик таъминот бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилган;

малакавий тайёргарлик сифатларига ДТС ва буюртмачилар томонидан қўйилаётган талаблар асосида компетентли ёндашув асосида такомиллаштирилган касбий компетенцияларни шакллантиришнинг дидактик тузилмаси, модели ва методикаси, услубий таъминоти (ишчи дастур, виртуал лаборатория ва мультимедиали электрон қўлланма, қийинлик даражаси турлича бўлган тестлар ва амалий топшириқлар), касбий компетенциялар шаклланганлиги даражаларини объектив баҳолашнинг когнитив, қисман изланувчан, фаолиятли-амалий мезонлари тизими Тошкент давлат техника университети, Термиз давлат университети, Наманган давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Жиззах политехника институтларининг 5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) таълим йўналишларида жорий этилиб, тажриба-синовдан ўтказилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1121-сон маълумотномаси). Мазкур модел ва уни жорий этишнинг илмий-методик таъминоти бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 тадан ортиқ илмий-услубий ишлар, жумладан, 2 та монография ҳамда яккамуаллифликда 1 та дарслик ва 1 та ўқув қўлланма чоп этилган, 2 та муаллифлик гувоҳномалари олинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши

ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида касбий таълим жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёргарлигини муҳим таркибий қисми бўлган касбий компетенциялар, ҳозирги замон мутахассисларини тайёрлаш тизимида компетенциялар ва компетентликнинг ўрни ва аҳамияти қараб ўтилган. Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида шакллантириладиган касбий компетенциялар мажмуаси асосланган.


Ҳозирги замон шароитида мамлакатнинг таълим, фан, техника ва технологиялар билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш, шубҳасиз, техника йўналишидаги таълим муассасаларида касбий компетенцияларни пухта эгаллаган компетентли касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш билан ҳам узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳозирги даврда меҳнат бозори ва буюртмачиларнинг талаблари асосида касбий компетенцияларни пухта эгаллаган компетентли олий маълумотга эга касб таълими ўқитувчилари захирасини яратиш анча долзарб ҳисобланади.

Постиндустриал жамият даврида касб таълимининг муҳим стратегик масаласи ўқитиш парадигмаси (ахборотни узатиш)дан ўргатиш парадигмаси (компетенцияларни амалда қўллаш)га ўтиш ҳисобланади. Бу, энг аввало, бўлажак мутахассисларнинг компетентлиги ошганлиги, меҳнат бозоридаги рақобатнинг юқорилиги, техника ва технологиянинг ривожланганлиги билан белгиланади. Бўлажак мутахассисларнинг компетентлиги учун зарур ҳисобланган компетенциялар мажмуасини аниқламасдан касбий тайёргарлик сифатини ошириб бўлмайди.

Компетентликни таърифлашга турлича ёндашувлар, асосий ва касбий компетенциялар, техника олий таълим муассасаларининг **“Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)”** таълим йўналиши ДТС, малака талаблари, функционал фаолият турлари мазмуни, ўқув режа ва фанларнинг намунавий ўқув дастурларини таҳлил этиш, уларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва бўлажак касб таълими ўқитувчиси компетентлигининг таркиби ҳамда тузилмасини аниқлаш имконини берди (1-расм).

Бўлажак касб таълими ўқитувчиси компетентлигининг таркиби ва тузилмаси кўрсатадики, унинг компетентлиги асосий ва компетенциялардан ташкил топган. Илмий манбалар ва педагогик тадқиқотлар таҳлили асосида **“компетентлик”** ва **“компетенция”** тушунчаларини талқин этиш ва таърифлаш, уларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқлаштиришда хилма-хил ёндашув ва қарашлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ушбу хулоса, нафақат мазкур атамаларнинг этимологиясига, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва

психологик-педагогик тадқиқотларда тақдим этилган материалларга ҳам тўлиқ тегишлидир.



1-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиси компетентлигининг таркиби ва тузилмаси

Компетенцияга бағишланган ишлар шуни кўрсатадики, “компетенция” шахнинг ваколатлари доирасини, олган билимларини амалиётда қўллаш имконияти ва қобилиятларини, “компетентлик” эса унинг хусусиятини ифодалайди. “Компетентлик” ва “компетенция” тушунчаларининг таҳлилларига асосланиб, биз тадқиқот доирасида қуйидаги таърифларни келтирамиз: “Компетенция” – бу касбий фаолият соҳасида сифатли ва самарали фойдаланиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва фаолият усулларини амалиётда юқори даражада қўллаш қобилиятидир.

“Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)” таълим йўналишида мутахассислар тайёрлаш жараёнига нисбатан компетентлик

тушунчасини таърифлайдиган бўлсак, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг компетентлиги деганда унинг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги бирлиги ва унинг касбий маҳорати (профессионаллиги) хусусияти тушунилади.


Юқорида келтирилган тушунчалар изоҳи ва таърифлардан келиб чиқиб, биз бўлажак касб таълими ўқитувчиси касбий компетенциясининг қуйидаги ишчи таърифини қабул қилдик: *бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетенцияси – бу умумий ва умумкасбий билимлар, кўникмалар, амалий тажриба элементлари, касбий, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга фаолиятнинг бошқа турлари масалаларини ечишга қобилияти ва тайёргарлигини таъминловчи сифатлари мажмуидир.*

Ҳозирги вақтда махсус кўникмаларни жорий эгаллаш эмас, балки зарурийлик даражасига қараб уларни тезликда ўзлаштира билиш қобилияти муҳим ҳисобланади. Бундай қобилиятни касбий билимлар ва кўникмалар эмас, балки компетенциялар, яъни бўлажак касб таълими ўқитувчисининг махсус билимларни эгаллаши учун асос бўладиган юксак шахсий сифатлари таъминлайди.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришнинг ахборот-методик таъминоти”** деб номланган иккинчи бобида умумкасбий фанларни ўқитишда бўлажак касб таълими ўқитувчиларини компетентли ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириш модели ва жорий этишнинг дидактик таъминоти ҳақида сўз юритилади. Лойиҳавий фаолият жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш алгоритми ва унинг натижасини ташхислаш усуллари ва педагогик технологияси баён этилган.

Техника олий таълим муассасаларининг “Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)” таълим йўналишида таҳсил олаётган бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришнинг зарурлиги ва долзарблиги, биринчидан, давлатимиз томонидан янги “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва унда мутахассисларни тайёрлашга қўйилган талаблар, шунингдек ишлаб чиқаришда юзага келган янги вазиятлар ва юқори технологик ва илмий асосланган технологияларнинг амалиётга қўлланилаётгани боис буюртмачиларнинг бўлажак мутахассисларнинг касбий ва шахсий сифатларига талаблари билан, иккинчидан, олий таълим муассасалари битирувчилари шахсининг шаклланиши учун бундай таълимнинг аҳамиятлилиги билан белгиланади.

Илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда педагогик изланиш натижаларини умумлаштириш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш жараёни модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш жараёни модели

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш жараёни модели қўйилган мақсадга эришишни таъминловчи, ўзаро таъсирлашувчи функционал элементлар йиғиндисидан ташкил топган яхлит дидактик тизимдан иборат. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш мақсади (буюртмачилар талабларига мос келувчи рақобатбардош компетентли касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш, бўлажак касб таълими ўқитувчисида касбий компетенцияларни шакллантириш), педагогик жараён (касбий компетенциялар компонентлари – техник, технологик ва ахборот компетенциялар ҳамда бу компетенцияларни шакллантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари), натижавий-баҳолаш (бўлажак касб таълими ўқитувчисида касбий компетенциялар шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ва даражаларини аниқлаш) орқали педагогик амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот доирасида техника олий таълим муассасаларининг “Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)” таълим йўналиши ўқув режасидаги “Ички ёнув двигателлари назарияси” фани дастури замон талаблари даражасида такомиллаштирилди ва у асосида шу номда ўқув қўлланма тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси), 5312500 – Энергия машинасозлиги (ички ёнув двигателлари); 5310500 – Автомобилсозлик ва тракторсозлик; 5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси таълим йўналишларида ўрганиш учун тавсия этилди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенциялар, яъни техник, технологик ва ахборот компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик технологиясини жорий этиш натижадорлигини мутахассислар мезонлардан фойдаланган ҳолда баҳоладилар ва бу моделда алоҳида элемент (баҳолаш мезонлари ва даражалари) сифатида тақдим этилди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришда Morphological analysis, Modeling method, Project method, Business game, Case study, graphs "Fishbone", SWOT analysis методларидан фойдаланилди.

*Morphological analysis* методида муаммо компонентларга шундай ажратиладики, муаммонинг ҳар бир элементи учун алоҳида-алоҳида имкон қадар кўпроқ бўлган ечимлар изланади ва келтирилади. Ушбу метод ўқитишнинг методик усуллари жамловчи комплекс ҳисобланади. Методни қўллашнинг дидактик мақсади – майдонлар кесишиши орқали муаммони тўлиқ ҳажмда тасаввур қилиш ҳамда муаммони тизимлаштириш ва компонентларини мажбуран боғлаш ёрдамида ечим топиш қобилиятини ривожлантиради. Шу билан бирга метод муаммони ижодий ечишга ундайди.

*Modeling method* – ҳодисалар, жараёнлар, объектлар, қурилмалар ёки тизимларни (умумий олганда – тадқиқот объектларини) илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш методи бўлиб, янги билимларни олиш, тадқиқ қилинаётган



объектларнинг характеристикаларини такомиллаштириш ёки уларни бошқариш мақсадида моделларни қуриш ва ўрганишга асосланган. Тадқиқотнинг бундай умумиллий методи ўрганилаётган объектнинг ўзини эмас, балки унинг модел деб номланувчи тасвирини ўрганади, кейинчалик тадқиқот натижалари моделдан объектга ўтказилади. Билиш усулларида бири сифатида, у ёки бу объектни ўрганиш бошқа объектни ўрганиш ёрдамида амалга оширилади, кейинчалик иккинчи объектни ўрганиш натижалари биринчи объектга ўтказилади. Айнан шу иккинчи объект биринчи объектнинг модели ҳисобланади. Шундай қилиб, моделлаштириш – моделларни қуриш жараёни ёки ўрганиш объектларини уларнинг моделларидан фойдаланиб тадқиқ қилишдир.

Бу методлар “Ички ёнув двигателлари назарияси” фанидан амалий топшириқлар, курс ишлари ва лойиҳаларини бажаришда юқори самарадорликка эгаллиги тажриба-синов ишларида тасдиқланди.

Техника олий таълим муассасаларининг “Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)” таълим йўналишининг тегишли ихтисосликлари бўйича таълим олаётган талабаларнинг “Ички ёнув двигателлари назарияси” ўқув фанининг техник, технологик ва ахборот базасини самарали ўзлаштиришлари учун машғулотлар ва мустақил ишларни бажаришда муаллимнинг ўқув ва методик қўлланмалари ҳамда тавсияларидан фойдаланилди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни самарали шакллантиришда рефлексия муҳим ўрин тутди. Рефлексив кўникмаларни ривожлантириш талабаларнинг мустақил педагогик фикрлашини ривожлантиришга имкон беради. Шу боис “Ички ёнув двигателлари назарияси” фани намунавий ва ишчи ўқув дастурига ички ёнув двигателлари назарияси, двигателнинг иссиқлик ва динамик ҳисобига оид масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқлар шаклида берилган курс лойиҳалари киритилди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенциялари курс лойиҳалари ва битирув малакавий ишларини бажариш жараёнида самарали шаклланди. Чунки, бу жараёнда улар эгалланган касбий компетенцияларидан самарали фойдаланишди.

Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантиришга имкон берувчи ўқув-методик таъминотни яратишда интерактив электрон таълим ресурсларини жорий этишга катта эътибор берилди. Тадқиқот жараёнида “Касбий педагогика” номли электрон ўқув қўлланма, “Ички ёнув двигателлари назарияси” умумкасбий фани бўйича мультимедиа электрон қўлланма яратилди. Машғулотларда электрон таълим ресурслари ва виртуал лабораториядан фойдаланиш натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчисига ўқув материалларини тез ва қулай усулда кўриш, эшитиш ва тафаккур қилиш орқали мустақам ва чуқурроқ ўзлаштириш, энг асосийси мустақил таълим олиш имконияти кенгайди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини *виртуал лаборатория* муҳитида лойиҳалашга ўргатиш махсус танланган намунавий лойиҳалаш-конструкциялаш масалалари асосида ташкил этилади. Бунда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг ўзи виртуал лабораторияда ишлайдиган “Конструктор” вазифасини бажаради. Йирик саноат корхоналаридаги фаолиятдан фарқли ўлароқ виртуал лаборатория доирасида ўқув фаолиятини нисбатан оддий деталларни виртуал тайёрлашдан бошлаш мумкин, яъни бунда “оддийдан мураккаб томон” тамойилига амал қилиш муҳим саналади. Мураккаб ва ҳажм жиҳатдан катта лойиҳаларни амалга ошириш, деталларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш ишлари мутахассисларни тайёрлаш циклининг охирида, яъни катта завод ва корхоналарда талабаларнинг ишлаб чиқариш ўқув амалиёти, малакавий амалиётларни бажаришлари жараёнида амалга оширилади.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг қўйилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишида умумкасбий фанларни замонавий дидактик воситалар асосида ўқитиш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий компетенцияларни шакллантириш, мустақил ва амалий фаолиятга йўналтириш, ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган методика ишлаб чиқилди ва уни амалиётда синаб кўриш мақсади белгиланди.

Тажриба-синов ишини бошлашдан аввал ва унинг давомида фан мазмунини очиб берувчи маълумотлар, тадқиқотчи ҳамда ўқитувчилар томонидан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаси тадқиқотимиз илмий натижаларини текшириш жараёнида талабаларнинг билим даражаси ўсиб бориши таснифланган мезонни кўрсатди.

Тажриба-синов ишларида 2017-2019 йилларда Тошкент давлат техника университети, Термиз давлат университети, Наманган давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Жиззах политехника институти 5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) таълим йўналиши гуруҳларидан жами 316 нафар талаба иштирок этди. Шундан 160 нафари тажриба гуруҳида, 156 нафари эса назорат гуруҳида қатнашди.

Педагогик тажриба-синов ишлари давомида мураккаб диагностика воситалари (қийинлик даражаси турлича бўлган тестлар ва амалий топшириқлар, диагностик сўровномалар, ўз-ўзини баҳолаш варақалари, суҳбат (интервью)лар), ўзлаштириш натижаларини таҳлил этиш ҳамда умумкасбий фанлар модулларини ўрганиш вақтида талабаларнинг ишларини кузатиш методларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари 5111000 – Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) таълим йўналишининг “Ички ёнув двигателлари назарияси” умумкасбий фани модуллар асосида олиб борилди. Фан модуллари бўйича маъруза, амалий машғулот ва лаборатория ишлари


ишланмалари, модулли ишчи дастурга мувофиқ ҳар бир модул бўйича назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш саволлари, тест топшириқлари асосида талабаларнинг касбий компетенцияларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов гуруҳида ўқитиш ишлаб чиқилган ўқув-методик таъминот (“Ички ёнув двигателлари назарияси” номли ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуа, “ИЁД индикатор ва ёйилган кучлар диаграммасини қуриш” электрон мультимедиа воситаси, виртуал лаборатория ва анимацион видеороликлар)ни қўллаган ҳолда амалга оширилди. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларда касбий компетенциялар шаклланганлиги бўйича умумий натижалар 1-жадвалда ва унинг геометрик ифодаси 3-расмда келтирилган.

1-жадвал

**Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларда касбий компетенциялар шаклланганлиги бўйича умумий натижалар**

Касбий компетенциялар шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
	Тажриба бошида 160 нафар талаба		Тажриба охирида 156 нафар талаба		Тажриба бошида 156 нафар талаба		Тажриба охирида 154 нафар талаба	
	сон	%	Сони	%	сон	%	сон	%
Юқори	24	15,00	36	23,08	19	12,18	22	14,29
Ўрта	61	38,13	86	55,13	51	32,69	53	34,41
Паст	75	46,87	34	21,79	86	55,13	79	51,30
